

НАРКОТИК МОДДАЛАРНИНГ ИНСОН ОРГАНИЗМИГА ТАЪСИРИ

С.Ф.Файзуллаева

*Бухоро давлат тиббиёт институти**Биокимё кафедраси ассистенти. Бухоро, Ўзбекистон.*

Аннотация: *Инсон наркотик хусусиятга эга бўлган моддани истеъмол қилганида, унинг организмида кечадиган биокимёвий жараёнларга ўз таъсирини ўтказиши. Биокимёвий реакциялар боришини бошқарувчи гормонлар ишлаб чиқарилишида ўзгаришлар содир бўлиб, организм ҳаётининг фаолиятининг маромини бузади. Ушбу мақолада юқоридаги ҳолатларнинг келиб чиқиши ва оқибатлари тўғрисида фикр юритилади, шунингдек инсониятнинг қадимги даврларда наркотик моддалар хусусиятларини билиб олиши ва фойдаланиши тарихи, наркотик модда сақловчи ўсимликлар ҳақида антик давр олимларининг фикрлари ҳам ўрин олган.*

Калит сўзлар: *наркомания, каннабис, нейронлар, гормонлар, дофамин, инсон психикаси, депрессив ҳолатлар.*

Наркомания- инсон организмнинг таъсирчан моддаларга ўрганиб, қарам бўлиб қолишини англатади. Наркомания ёки гиёҳвандлик – қадим замонлардан буён маълум бўлиб, унинг дастлабки шакллари инсоният ибтидоий жамоа шаклида ҳаёт кечирган даврларда пайдо бўла бошлаган. Дастлаб олов кашф қилинганда одамлар совуқдан исиниш учун ҳар хил ўт ва шох шаббаларни йиғиб, ёқиб, гулхан атрофида тўпланиб ўтиришган ва маълум бир турдаги ўсимлик қисмлари ёқилганда кайфиятни кўтарувчи ва маст қилувчи ҳолатларни келтириб чиқаришини билиб олганлар. Шу тарзда ўсимликларнинг хусусиятларига қараб бир-биридан ажратиб, эйфорияга олиб келувчи ўсимликлар алоҳида ажратиб олинган ва керакли вақтда уларни ёқиб, чиқаётган тутунидан нафас олиб, жамоавий шаклда базмлар уюштирилган. Манбаларда қайд қилинишича, антик даврда ҳар қандай диний маросимларда, қабилалараро урушдаги ғалабаларда, ва бошқа хурсандчилик вақтларда, шунингдек халқ табобатида таркибида наркотик сақловчи ўсимликлар ишлатилган. Бундан тахминан 3300 йил илгари Қадимги Мисрда каннабисдан наркотик модда сифатида кенг фойдаланилганлиги тарихий манбалардан маълум. Бундан ташқари, юнон тарихчиси Геродот “Тарих” асарида Марказий Осиё кўчманчи қабилалари ҳаёти тўғрисида тўхталар экан, шундай лавҳа келтиради: “кўчманчилар катта гулхан атрофида ўтириб оловга наша (каннабис) ташлашар ва унинг ҳидидан, гўёки эллинлар винодан маст бўлганидек, маст бўлишар экан”. Шунингдек, Гиппократ ўз асарларида ҳинд нашаси (ҳинд каннабиси) Европага скифлар томонидан Троян урушигача бўлган даврлардаёқ келтирилганлигини қайд этиб ўтган. Абу Али ибн Сино ўзининг “Тиб қонунлари” асарининг иккинчи жилдида наша (каннабис) нинг салбий жиҳатларини кўрсатиб ўтган, жумладан, 634-кўрсаткич мақолада “...наша уруғини кўп истеъмол қилинса, эрлик уруғини қирқади” деб ёзади.

Шунингдек, 689-мақолада наша аъзоларни сусайтириши, кўзни хиралаштириши, меъдага зарар етказишини кўрсатиб ўтади.

Инсон наркотик хусусиятга эга бўлган моддани истеъмол қилганида, унинг организмида кечадиган биокимёвий жараёнларда ўзгаришлар содир бўла бошлайди. Бош мия нейронларида юзага келадиган ўзгаришлар гормонлар ишлаб чиқарувчи секретция безлари фаолиятига таъсир кўрсатиб, ортикча миқдорда гормонал моддалар ишлаб чиқарилишига олиб келади. Наркотик моддалар истеъмол қилинганда қонда дофамин миқдори ортади. Ортикча миқдордаги бу модда инсон психикасига таъсир этиб, депрессив ҳолатларни келтириб чиқаради. Уларни доимий истеъмол қилиш эса, организмда кечадиган биокимёвий жараёнларда наркотик модданинг иштирокини таъминлайди ва бевосита ўша наркотик модда организм учун ҳаётий зарур омиллар қаторига қўшилади. Шу сабабли, наркотикларга ўрганган инсон секин-аста унинг асирга айланиб боради. Наркотик моддалар истеъмол қилинганда, унинг таъсири бир неча минутда сезила бошлайди ва 3-12 соатгача давом этиб, кўзғалиш, сўниш босқичларидан иборат бўлади. Масалан, каннабисни чекиш йўли билан истеъмол қилган одамда биринчи бош айланиши кузатилиб, оғизда камфорасимон таъм сезилиб, сўлак ажралиши баъзида секинлашиши, баъзан эса ортиб, кучли очлик ҳиссини уйғотиши мумкин. Одам ўз фикр-мулоҳазаларини эркин баён эта олмайди ва мантиқсиз-хаёлий, муҳит билан боғланмаган нарса-ҳодисалар кўз ўнгида гавдаланади. Кайфияти кескин ўзгарувчан тус олиб, қаҳ-қаҳа отиб кулишдан аччиқ кўз ёш тўкишга ўтиши, хурсандчилик ўрнини қаттиқ кўрқув эгаллайди. Юқоридагиларга ўхшаш ҳолатлар бошқа турдаги наркотик моддалар истеъмол қилинганда ҳам у ёки бу шаклда юзага келиши мумкин.

Одамда наркомания ривожланишини шартли равишда 3 босқичга бўлиш мумкин:

1. Бошланғич босқич- адаптация босқичи ҳам дейилади. Бунда организмнинг ёт моддага нисбатан акс-таъсир реакцияси салбийдан ижобийга ўзгара бошлайди ва психик қарамликнинг дастлабки аломатлари кузатилади.

2. Сурункали (хроник) босқич- бунда наркотик моддага жисмоний қарамлик шаклланиши тўлиқ тугалланади, абстиненция ва психоз ривожланади.

3. Ўтказиб юборилган ёки наркоманиянинг оғир шакли босқичи- бунда организмдаги барча ҳаётий муҳим органларда амалга ошувчи биокимёвий жараёнлар фақат наркотик моддалар истеъмолига боғлиқ бўлиб қолиб, ўткир психик, соматоген, неврологик ўзгаришларга олиб келади.

Хулоса қилиб айтганда, наркомания қандай шаклда ва турда намоён бўлмасин, у инсон организмида кечадиган биокимёвий жараёнларга ўзининг салбий ва ҳалокатли таъсирини ўтказмасдан қўймайди. Наркомания тузоғига илинган одам оилада ва жамиятда ўз ўрнини йўқотиб боради.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Абу Али ибн Сино, “Тиб қонунлари” 2-жилд.1975 й. Тошкент
2. Авторский коллектив, “Справочник по психиатрии” 1985 г. Москва.
3. М.Д.Машковский, “Лекарственные средства” 1-2 томах. 1988г. Медицина. Москва.
4. С.Южаков. “Современные лекарственные средства”. Словарь-справочник. 2008 г. Москва
5. М.Набиев, “Гиёхвандлик умр заволи”. 1989 й. Тошкент.
6. Oblokulov Shavkat Shaimovich. (2022). Drugs Run In The Body Effects On Biochemical Processes. *Texas Journal of Medical Science*, 8, 63-65. Retrieved from <https://zienjournals.com/index.php/tjms/article/view/1677>
7. Oblokulov Shavkat Shayimovich. (2022). HARM OF SYNTHETIC AND NARCOTIC SUBSTANCES. *Galaxy International Interdisciplinary Research Journal*, 10(1), 509-511.
Retrieved from <https://giirj.com/index.php/giirj/article/view/1068>
8. Облокулов, Ш. Ш. (2022). ЦИСТАНХЕ (CISTANCHE) ЎСИМЛИГИНИНГ ДОРИВОР ХУСУСИЯТЛАРИ. О'ЗБЕКISTONDA FANLARARO INNOVATSIYALAR VA ILMIY TADQIQOTLAR JURNALI, 1(10), 199-201. <http://bestpublication.org/index.php/ozf/issue/view/13>
9. Амонова Матлуба Мухтаровна / СРАВНИТЕЛЬНЫЙ АНАЛИЗ АДСОРБЕНТОВ ПРИМЕНЯЕМЫХ ДЛЯ ОЧИСТКИ СТОЧНЫХ ВОД ТЕКСТИЛЬНОГО ПРОИЗВОДСТВА / Vol. 2 No. 23 (2022) ЇОДКОР О'ЇИТУВЧИ 2 (23), P. 61-65.
<http://bestpublication.org/index.php/iq/article/view/1211>
10. Shaimovich O. S. DRUGS RUN IN THE BODY EFFECTS ON BIOCHEMICAL PROCESSES AND HARM OF SYNTHETIC AND NARCOTIC SUBSTANCES //O'ZBEKISTONDA FANLARARO INNOVATSIYALAR VA ILMIY TADQIQOTLAR JURNALI. – 2022. – Т. 1. – №. 12. – С. 888-890.
11. Shaimovich, OblokulovShavkat. "DRUGS RUN IN THE BODY EFFECTS ON BIOCHEMICAL PROCESSES AND HARM OF SYNTHETIC AND NARCOTIC SUBSTANCES." *O'ZBEKISTONDA FANLARARO INNOVATSIYALAR VA ILMIY TADQIQOTLAR JURNALI* 1.12 (2022): 888-890.
12. Shaimovich, O. S. (2022). DRUGS RUN IN THE BODY EFFECTS ON BIOCHEMICAL PROCESSES AND HARM OF SYNTHETIC AND NARCOTIC SUBSTANCES. *O'ZBEKISTONDA FANLARARO INNOVATSIYALAR VA ILMIY TADQIQOTLAR JURNALI*, 1(12), 888-890.